

TABIIY TILNI QAYTA ISHLASH(NLP)

АСПЕКТУАЛЛИК ТИЗИМИ ВА УНИНГ ФУНКЦИОНАЛ- СЕМАНТИК МАЙДОН СИФАТИДАГИ МОҲИЯТИ

Менглиева Мунира Бахтиёр қизи,
А.Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили
ва адабиёти университети докторанти, PhD

Аннотация. Аспектуаллик ҳар бир тилда энг йирик функционал-семантик парадигма бўлиб ушбу майдон феъдга алоқадор грамматик категориялар, синтактик конструкцияларга ва маъно турларини қамраб олади. Мақолада инглиз ва ўзбек тилларидаги “аспектуаллик” функционал-семантик майдонларига хос баъзи жиҳатлар ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: *феъл, функционал-семантик майдон, аспекттуаллик, замон, шахс-сон, нисбат, майл, тарз*

Аннотация. Аспектуальность — самая большая функционально-семантическая парадигма в любом языке, и это поле охватывает грамматические категории, синтаксические конструкции и типы значения, связанные с глаголом. В статье рассматриваются некоторые аспекты функционально-семантического поля «аспектуальность» в английском и узбекском языках.

Ключевые слова: *глагол, функционально-семантическое поле, аспектуальность, время, лицо, залог, наклонение, вид*

Annotation. Aspectuality is the largest functional-semantic paradigm in any language, and this field encompasses grammatical categories, syntactic constructions, and types of meaning related to the verb. The article discusses some



aspects of the functional-semantic field of "aspectuality" in the English and Uzbek languages.

Key words: *verb, functional-semantic field, aspectual field, tense, face, mood, voice, manner*

Геометрик шакл бўлган айлана, ўз хусусиятига кўра, борлиқнинг моҳиятини очиб бериши сабабли фалсафий рамз сифатида қабул қилинади. Айлана давомийлик, узвийлик, боғлиқлик ва яхлит бир бутунликни намоён этади – борлиқдаги барча ҳодиса, воқелик, қонуниятлар ҳам айна шу хусусиятга эга эмасми? Турли ҳодисаларни тадқиқ этувчи илм-фан ҳам ушбу феноменларни майдон сифатида кўздан кечирар экан, шубҳасиз, майдонни айна шаклда тасаввур этади. Борлиқ ҳақида турли табиий, фалсафий, аналитик таърифлар мавжуд. Шунга қарамасдан, борлиқ деб аталмиш йирик майдоннинг маркази (ядриси) нимадан ташкил топганлиги ҳануз баҳсталаб. Зеро, баъзи фалсафий қарашларга кўра, борлиқ марказини инсон ҳосил қилса, бошқалари марказни илоҳиётга тақайди, яна бир бошқа гуруҳ борлиқнинг марказини табиат ташкил этади дейди. Борлиқ моҳияти унинг марказидан англашилади, борлиқ ядриси хусусидаги баҳслар ҳали-ҳануз қизғин давом этаркан, моҳият тўлиқ англашилди деб бўлмайди. Шунга қарамасдан, борлиқ майдонини турли микромайдонлар бир-бирига узван боғланиб қуршаб олган. Борлиқ нуқтаи назаридан шу микромайдонлардан бирини тил ҳосил қилади. Борлиқнинг ўзидан фарқли ўларок, уни қуршаб олган, ташкил этувчи феноменларнинг асос ядриси аниқ. Чунончи, тилни яхлит бир макромайдон сифатида қабул қилсак, унинг марказий қисми, ядросини маъно ташкил этади. Демак, тилдаги барча элементлар: товушлардан тортиб то лексемалар, турғун бирикмалар, фраземалар грамматик категориялар, синтактик қолиплару қолган барча прагматик, новербал унсурларнинг ҳаммаси умумлашиб муайян маънони шакллантиришга ва уни англантишга ҳизмат қилади. Маънони



бевосита ва билвосита ифодадай олувчи бирликлар сирасида “сўз — тилнинг энг конкрет бирлиги”дир[1].

Маънони ифодалашга хизмат қилувчи тил элементлари ўз таркибий ва функционал хусусиятига кўра турли сатҳларга мансуб. Шу сатҳлардан бири ўлароқ морфологияда маъно ифодаловчи воситалардан энг салмоқлиси – феъл. Феъл йирик мазмуний майдон сифатида ҳам, шаклий бирлик сифатида ҳам доим тилшунослар диққат марказида бўлиб келганлиги маълум. Унинг ҳар бир тилда тутган функционал ва семантик ўрни катта. Қандай қурилишга, қандай оҳанг ёки таркибга эга бўлмасин, ҳар бир тил структурасида феълнинг тутган ўрни фавқулудда муҳим. Маълумки, сўз туркумларига ажратишда ҳар бир лексеманинг лексик-грамматик маъноси, лексик-грамматик турлари, грамматик категориялари ёки парадигмалари, гаптаги вазифаси[2] инobatга олинади. Ўзбек тилида ҳам, инглиз тилида ҳам феъл ҳаракат, ҳолат, нутқий фаолият, ақлий фаолият ва қатор бошқа маъноларни ифодалашига кўра турли лексик-семантик гуруҳларга бўлинади. Ҳар икки тилда ҳам феъл деривацион хусусиятларини намоён этади, унинг замон, майл, нисбат ва бошқа қатор грамматик категориялари мажуд. Ушбу категориялардан айримлари инглиз тилида йирикроқ масштабда функционал-семантик парадигма сифатида ҳам ўрганилганига юқорида гувоҳ бўлдик. Ўзбек тилида феълнинг ушбу хусусиятлари аксарият ҳолларда категория сифатида кўздан кечирилди.

Турли тизимли тилларда феълнинг хусусияти, ёндош тил ходисалари билан муносабати, ўрни ва вазифасини умумлаштириб қуйидагича таърифлаш мумкин: “феъл – ҳаракатни англатувчи категория бўлиб, бу вазифани ушбу категория шахс-сон, майл, нисбат ва тарз каби маъноларни ифодалаш орқали амалга оширади”[3]. “Феъл –ҳаракат (*ёзмоқ, юрмоқ, бермоқ*) ёки ҳолат (*ухламоқ, кутмоқ*)нинг жараёнлигини англатувчи гап бўлагидир. Бу маънони феъл турли грамматик категориялар, жумладан, тарз, майл, замон, шахс-сон ва род каби категориялар орқали амалга оширади”[4].



Феълга оид парадигмалар сирасида замон, аспектуаллик, посессивлик, локативлик, ҳолат ва ҳаракат каби майдонларни санаб ўтиш мумкин. Ўзбек тилида, хусусан, ушбу майдонлардан “ҳаракат тарзи” қисман бўлса-да, функционал-семантик майдон назариясига асосан ўрганилган.

Морфологик сатҳда бир қарашда феъл замон, шахс-сонда тусланиш категорияларини қамраб олиш билан чегаралангандек кўринади. Бироқ феъл майдони унинг янада кенг кўламли шакллари қамрайди. Жумладан, феълнинг модаллик, тарз, нисбат ва майл категориялари ҳам мавжуд. Бундан ташқари, феълнинг инфинитив шакли билан бирга, сифатдош ва равишдош формалари ҳам бор. Айтиш жоизки, феълларнинг барчасида ҳам айна парадигматик мазмунларнинг ҳаммасини ифодалаш имкони мавжуд эмас. Баъзи бир феъллар барча замон шакллари қабул қилгани ҳолда, бошқалари турли замонда эркин қўллана олмайди. Айна шу ҳолат модаллик функционал-семантик майдони мазмунига ҳам тегишли, модаллик маъноси баъзи феълларда кўзга ташланади, холос. Бундан англашиладики, феъл қатор микромайдонларни қамраб олган йирик функционал-семантик парадигма бўлса-да, барча микромайдонлар семаси ушбу парадигма таркибидаги ҳар бир элементда зухурланавермайди. Феълнинг юқорида санаб ўтилган қатор хусусиятларидан бир нечаси, хусусан, замон, тарз ва қисман майл категориялари “жараёнлилик” гиперсемаси атрофида умумлаштирилиб, бу ҳодисага аспектуаллик деб ном берилди. Тилшунослар феъл ва аспектуаллик хусусиятларини тавсифловчи қатор тадқиқот олиб борганлар[5]. Ушбу тадқиқотларни умумлаштирган ҳолда тилда феълнинг уч хусусияти бор деб хулоса қилишимиз мумкин. Феълларнинг биринчи хусусияти – семантик характерга эгаллиги. Яъни феъл ҳаракат, ҳодиса ёки ҳолатни англатувчи луғавий маънога эга. Феълнинг иккинчи ўзига хослиги унинг морфологик хусусияти (шахс-сон, замон, морфемик трансформациялар) бўлиб, учинчи



хусусият унинг синтактик, яъни вазифавий характеристикаларини қамраб олади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Реформатский А. Введение в языковедение – М., 1967 – с. 54
2. Сайфуллаева Р., Менглиев Б., Боқиева Г., Қурбонова М., Юнусова З., Абузалова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили: ўқув қўлланма – Тошкент, 2006 – Б. 167-168
3. <https://dic.academic.ru/dic.nsf/lingvistic/262/%D0%B3%D0%BB%D0%B0%D0%B3%D0%BE%D0%BB>
4. <https://dic.academic.ru/dic.nsf/lingvistic/262/%D0%B3%D0%BB%D0%B0%D0%B3%D0%BE%D0%BB>
5. Бондарко В. Принципы функциональной грамматики и вопросы аспектологии – Л.: 1983; Маслов Ю. Очерки по аспектологии – Л.: 1984; Comrie B. Aspect – Cambridge: 1976; Thelin N. Towards a theory of aspect, tense and actionality in Slavic – Uppsala: 1978 Fontaine J. Grammaire du texte et aspect du verbe en russe contemporain – Paris: 1983; Dahl Ö. – Tense and aspect systems – Oxford: 1985.
6.
 1. Fontaine J. Grammaire du texte et aspect du verbe en russe contemporain – Paris: 1983; Dahl Ö. – Tense and aspect systems – Oxford: 1985.
 2. Thelin N. Towards a theory of aspect, tense and actionality in Slavic – Uppsala: 1978
 3. Бондарко В. Принципы функциональной грамматики и вопросы аспектологии – Л.: 1983
 4. Маслов Ю. Очерки по аспектологии – Л.: 1984; Comrie B. Aspect – Cambridge: 1976